

№27
(1461)
2023 YIL
20-IYULO'ZBEKISTONDA
SOG'LIQNI SAQLASHЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА


IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

2023 йил – инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

ЎЗБЕКISTON – ХИТОЙ

ВИЛОЯТ БОЛАЛАР ШИФОХОНАЛАРИ ХИТОЙ ГРАНТИ
АСОСИДА МРТ УСКУНАЛАРИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАНМОҚДА

Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятوف Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Цзюнь билан учрашув ўтказди. Самимий ва дўстона руҳда ўтган мулоқотда қайд этилганидек, давлатларимиз ўртасида тиббиёт соҳасидаги алоқалар кўлами тобора кенгайиб бормоқда.



Бунда Президентимизнинг жорий йил май ойида ушбу мамлакатга ташрифи доирасида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан музокараларда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги истиқболлари белгилаб олингани муҳим аҳамият касб этапти. Учрашувда биргалликда амалга оширилаётган лойиҳалар хусусида сўз юритилди. Вило-

ят болалар ва катталар кўп тармоқли тиббиёт марказларини магнит-резонанс томография ускуналари билан жиҳозлашга доир белгиланган ишлар шулар жумласидан. Унинг доирасида Тошкент, Андижон, Самарқанд вилоятлари болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва бошқа муассасаларни ана шундай замонавий аппаратлар билан таъминлаш режалаштирилган.

Мулоқотда шу йил охиригача Ўзбекистон – Хитой халқаро тиббиёт форумини ўтказиш, тиббий таълим, кадрлар алмашинуви, фармацевтика, халқ таъбири ва юқумли касалликларга қарши курашишга доир масалалар ҳам муҳокама этилди.

TIBBIYOT
OLAMIDAОНА 11 Ёшли ФАРЗАНДИГА
ЎЗ БУЙРАГИНИ БЕРДИ

Болалар миллий тиббиёт марказида илк бор кичик ёшли беморда буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти бажарилди.

11 ёшли фарзандига онаси иккинчи бор ҳаёт бахш этиб, донорлик қилишга қарор қилди. Аммо шунинг ўзиёқ масаланинг осон ечими эмаслиги маълум бўлди. Жажжи вужудга катта инсон буйрагини кўчириб жойлаштириш ва бу аъзонинг тўлақонли фаолият юритишини таъминлаш навбатдаги муаммо эди. Буни марказнинг етук жарроҳлари муваффақиятли удралади. Оғир дарддан азият чекаётган болакай соғлом ҳаётга қайтди. Онасининг ҳам саломатлиги тикланмоқда.

РОБОТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ЁРДАМИДА ЖИГАР
ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ ЎТКАЗИЛДИ

Қўшма Штатлардаги илғор клиникалардан бирида жаҳон тиббиёт амалиётида биринчи марта робот технологияси ёрдамида жигар трансплантацияси ўтказилди.

Олтмиш ёшли бемор гепатит С туфайли келиб чиққан жигар циррози ва саратон касаллигидан азият чекаётганди. Операцияни деярли тўлиқ робот-жарроҳнинг ўзи удралади. Бош хирург эса “темир шифокор”нинг ҳаракатларини яқин атрофдаги консолдан назорат қилиб турди. “Трансплантация муваффақиятли ўтди, — дейди жараёнга бошчилик қилган мутахассис доктор Одил Хон. Аммо экспертлар “ақлли қурилма” томонидан бажарилган жигар кўчириб ўтказиш амалиётини муҳим воқелик деб эътироф этмоқда. Чунки аънаваный усулда бу ўта мураккаб операцияни бажариш учун қорин бўшлиғида 10 ва 40 сантиметрлик иккита кесма ҳосил қилинади.

Робот технологияси учун эса 1,5 ва 15 сантиметрдан иборат кичик кесма етарли. Бу эса жароҳатларнинг тез битишини таъминлайди.

“Internet” материаллари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКISTON – ТУРКИЯ

ИСТАНБУЛ МЕДИПОЛ УНИВЕРСИТЕТИДА
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ВАКОЛАТХОНАСИ ОЧИЛДИ

Сафар давомида олий ўқув юрти ректори профессор Омер Жеран билан тиббий таълим йўналишидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати атрофлича муҳокама этилди. Маълумот ўрнида, Тошкент тиббиёт академияси ва Истанбул Медипол университети ўртасида 2022 йил ҳамкорлик ўрнатилиб, 2023 йил ме-

морандум имзоланган эди. Бунинг давоми сифатида шу йил “Катталарда ва болаларда бўғим касалликларига замонавий ёндашув” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди ва унда ушбу олий ўқув юрти клиникасидан бир гуруҳ ортопед-шифокорлар иштирок этди. Тадбир сўнгида ТТА қошида мазкур универси-

тет ваколатхонаси очилди. Ўтказилган бу галги учрашувда эса тиббий таълим йўналишидаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида Йўл харитаси имзоланди. Унга кўра, жорий йил юртимизда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон – Туркия халқаро соғлиқни сақлаш форумида иштирок этиш, педагог ходимлар малакасини ошириш ва та-

Жорий йилнинг 11-16 июль кунлари Тошкент тиббиёт академияси ректори А. Шодмонов бошчилигидаги делегация Туркиянинг Истанбул Медипол университетида бўлди.

лабаларнинг академик мобиллигини йўлга қўйишга келишиб олинди.

Мулоқот якунида Истанбул Медипол университети қошида ТТА ваколатхонаси очилиб, ректор А. Шодмоновга университетнинг “Фахрий профессор”и унвони топширилди.

@ssvuz.

САЛОМАТЛИК ОЙЛИГИ

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан, Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Сирдарё вилояти Мирзаобод туман тиббиёт бирлашмаси, унинг кўп тармоқли марказий поликлиникасида "Ўқитувчи ва мураббийлар саломатлиги ойлиги" акцияси доирасида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилди.



ЎҚИТУВЧИЛИК КАСБИ ШАРАФЛИ, МЕҲНАТИ ЭСА МАШАҚҚАТЛИ



Тиббий кўрик жараёнига тумандаги 34 та умум таълим мактабининг 1290 нафар ўқитувчилари, 20 та мактабгача таълим муассасаларининг 500 нафар мураббийлари жалб этилиб, улар 10 августга қадар ЭКГ, УТГ, лаборатория текширувларидан ва шу билан бирга туман ва вилоят даволаш профилактика муассасаларининг кардиолог, невропатолог, уролог, гинеколог, офтальмолог, стоматолог, психолог, эндокринолог каби тор доира мутахассислар кўригидан ўтказилади.

– Бу эса, янги ўқув йили олдидан ўқитувчилар ва мураббийларнинг саломатлигини индивидуал тарзда

ўрганиш, сурункали касаллиги бор беморларни назоратга олиш, соғломлаштириш режаларини тузиш имконини беради, – дейди **Марзаобод туман тиббиёт бирлашмаси, унинг кўп тармоқли марказий поликлиникасида ўтказилган тиббий кўрик жараёнлари билан танишиш, тайёргарлик ишларини кўздан кечириш мақсадида ташриф буюрган, Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Хуршид Ҳақимов.**

Энг асосийси, Мирзаободда ташкил этилган тиббий кўрик, скрининг текшируви жараёнларида ўқитувчи ва мураббийлар саломатлиги чуқурлаштирил-

ган ҳолда ўрганилиб, саломатлик кўрсаткичида муаммоси бор ўқитувчи ва мураббийлар саломатлигини тиклаш учун туман, вилоят ва республика даражасидаги даволаш-профилактика муассасаларига йўналтирилади. Улар у ерда қайта текширувдан ўтиши, заруратга қараб стационар шароитда, мутахассислар тавсиясига биноан амбулатор шароитда даволаниб, ўз саломатликларини тиклашади.

–Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бу ташаббуси ўқитувчи ва мураббийлар учун янги ўқув йилини, янги ғоя, янги ишланмалар, янги кайфият билан бошлаш учун катта мотивация бўлди, – дейди туман-

даги **"Янгиобод"** маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 1-умум таълим мактаби директори **Шахринисо Жумаева.** – Мана, кўриб турганингиздек умум таълим мактабимизнинг 80 нафар ўқи-

тувчиси, белгиланган тартибда, тор доира мутахассислар кўригидан ўтишиб, ўзларининг саломатликлари тўғрисида бепул, ҳеч қандай харажатсиз ва оврагарчиликларсиз маълумотларга эга бўлиши.

Энг асосийи, бугун, Мирзаободда ўтказилган тиббий кўрик жараёнларида 200 га яқин ўқитувчи ва мураббийлар иштирок этиб, шундан 4 нафарига Республика даражасидаги, 17 нафарига вилоят даражасидаги даволаш профилактика муассасаларида кўшимча текширувдан ўтиш, 6 нафарига туман тиббиёт бирлашмасининг даволаш-профилактика бўлимида стационар, 11 нафарига амбулатор шароитда даволаниш, соғлигини тиклаш учун маслаҳат ва тавсия берилди.

Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси матбуот хизмати.

МАСЪУЛИЯТЛИ МЕҲНАТЛАРГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан юртимизда "Ўқитувчи ва мураббийлар саломатлиги ойлиги" акцияси ўтказилмоқда. Ойлик доирасида вилоятимизда ҳам тиббий кўриклар ташкил қилиниб, соҳа ходимларини соғломлаштириш тadbирлари бошлаб юборилди.

Навоий вилояти Кармана туманида ташкил этилган тиббий кўрикда "670 нафардан зиёд ўқитувчи ва мураббийлар ҳамда уларнинг оила аъзолари тиббий текширувлардан ўтдилар. Бунинг учун ЭКГ, УТГ текширувлари, кўчма офтальмомбил, 45 ёшдан



ошган аёллар учун кўчма улар невропатолог, травматолог, акушер-гинеколог, лаборатор таҳлиллар ташкил қилинди. Шунингдек, кардиолог

каби йиғирмага яқин тор соҳа мутахассислари тиббий текширувдан ўтдилар. Тиббий текширув натижаларига кўра касаллик аниқланган фуқароларни

соғломлаштириш бошланди.

Акция доирасида соғлом турмуш тарзи кенг тарғиб қилинди. Саломатлик столлари ташкил этилди. Мавзуга доир тарқатма материаллар тарқатилди.

Мавлон ЯХШИЛИКОВ, Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси жамоатчилик билан алоқалар шўъбаси бош мутахассиси.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2023-2024 ўқув йили олдидан Республикада мактабгача таълим муассасалари ҳамда ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида, жорий йилнинг 12 июлидан 10 августигача республикада "Ўқитувчи ва мураббийлар саломатлиги ойлиги" акцияси ўтказишни режалаштирган эди.



Айни кунларда мазкур жараёнлар республикада кизгин тарзда олиб борилмоқда.

Ўқитувчилик касби шарафли. Меҳнати эса машаққатли. Ҳар жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялаш


учун, аввало, бу соҳа вакиллариининг ўзи соғлом бўлиши керак! Ҳозир шу хусусда қайғуришнинг айнаи фурсати. Чунки педагогларимиз айнаи вақтда меҳнат таътилида. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ана шу имкониятдан фойдаланиб, мамлакатимиз бўйлаб "Ўқитувчи ва мураббийлар саломатлиги ойлиги" акциясини ўтказмоқда. Бу эзгу ташаббус Олмазор туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 16-сонли оилавий поликлиника тиббиёт ходимлари томонидан қўллаб-қувватланиб, ҳудудда истиқомат қилувчи таълим-тарбия тизими ходимлари имтиёзли тарзда тиббий кўриклардан ўтказилмоқда.

Ушбу ойлик акция туман тиббиёт бирлашмасига қарашли бўлган барча оилавий поликлиникаларда ҳам фаоллик билан давом этмоқда.

Азизбек НИЗАМОВ. Тошкент шаҳар Олмазор туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.

ФИДОЙИЛАРИМИЗ

Куванинг эъзозли фарзандларидан бири Муродилжон Арслонов нафақат туманда, балки вилоят ва республика миқёсида ҳам халқ саломатлиги йўлидаги хизматлари эътироф этилган моҳир шифокордир. Инсон умри давомида турли-туман шарафли, шу билан бирга синовли йўлларни босиб ўтади. Энг эсда қоларли жиҳати унинг кўпчилик учун қилган эзгу ишларидир.



ИБРАТЛИ УМР-НИНГ ХАЙРЛИ МАНЗИЛЛАРИ

Муродилжон ҳам ҳамма қатори болалик, ўсмирлик, талаблик, касб маҳоратини ошириш каби босқичларни муваффақиятли босиб ўтди. Туғилган кишлоғи ҳақида гапирмасак, ҳамкишлоқлари ранжиб қолишлари мумкин. У 1953 йилнинг 18 июнь кунини Қувадаги “Оқ ота” кишлоғида хизматчи оиласида туғилган. Отаси, иктидорли педагог Арслонбой, онаси Унсиной аяларнинг бир этак болалари орасида энг тўнғич фарзанд бўлиб вояга етди. Бу ёғи ўзингиз билган ҳаёт йўллари. Муродилжон Арслонов 1969-1973 йиллар давомида Андижон давлат тиббиёт институтида тахсил олди. Олийгоҳни тамомлагач... ҳаммасини санайверсак, вақт етмайди. Хуллас, иш фаолиятини Фарғона шаҳрида бошлаган шифокор турли лавозимларда 48 йилдан буён одамларга шифо улашиб, меҳр бериб, уларнинг оғирини енгил қилиб, дуоларини олиб ишлаб келмоқда. Айниқса, туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари сифатидаги ишларини ҳамон эслаб юришади. Шу йилларда туман тиббиётида барча сифат кўрсаткичлари яхшиланди, оналар ва болалар ўлими кескин камайди, туман шифохоналарига кўшимча бинолар қурилди, уларнинг моддий-техника базалари, одамларни дори-дармон билан таъминлаш ишлари талаб даражасига етказилди. Президент фармони асосан Республикада биринчилардан бўлиб энг чекка “Болалик” кишлоғида кишлоқ врачлик пункти ташкил этилиб, бу маскан малакали мутахассислар билан таъминланган. Унинг раҳбарлигида бир неча бор Республика семинарлари Қува туманида ўтказилди. Муродилжон Арслонов халқ эътирофи ва эҳтиромига лойиқ бўлган шифокор. У тиббиёт соҳаси ривожига муносиб

хисса қўшган фаол тиббиёт тарғиботчиси, илмий-амалий конференциялар иштирокчиси, йигирмага яқин илмий мақоалардан иборат китоб муаллифидир. Шифокор ўзининг одоби, хушмуомаласи, намунали хулқи билан халқ ҳурматини қозongan инсон. Шу боис халқимиз унга ишонч билдириб, бир неча бор туман Кенгаши депутатлигига сайлади. У ўзига билидирилган ишончни оқлаб, туманимиз ободончилиги борасида ибратли ишларни амалга оширди. Кўчаларни асфальт қилдириш, зарур жойларга кўприк қурдириш, маҳаллалардаги электр симёғочларини алмаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишларига бош-қош бўлди. Шунингдек, кишлоқлардаги мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларни таъмирлаш учун ҳомийлик ёрдамини кўрсатди. Мактаб ўқувчилари билан учрашиб, уларга бадий китоблар совға қилиб туриш унинг доимий одатларидан. Мутахассис сифатида ўз устида кўп ишлайди. Бугунги замон талаблари даражасида тиббиёт соҳасини ривожлантириш учун тинимсиз изланади, янгиликлар яратади.

Президентимизнинг махсус қарорига асосан, туманларда ҳам хусусий тиббиётни жадал ривожлантириш имкони яратилди. Натижада, 2018 йил сентябрь ойида Қувада “Med Doktor Arslonov” хусусий клиникаси битказилиб, ишга туширилди. Уни жиҳозлаш учун 5,7 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари олинди, 156 минг АҚШ долларига энг замонавий асбоб-анжомлар келтирилди. 5 қаватдан иборат ушбу тиббиёт масканида 150 нафар беморлар учун даволаниш, ишчи-ҳодимларга хизмат кўрсатиш хоналари жойлашган, 80 дан зиёд янги иш

ўринлари яратилди. Клиникадаги тартиб, қулай шароитлар, билимли мутахассисларнинг даволаш услублари, муомала маданиятидан барча даволанувчилар гоёт мамнун бўлишмоқда. Буларнинг барчаси бош шифокор Муродилжон Арслонов номи билан боғлиқдир. Ушбу клиникага академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказидан етуқ

дан-қанча оғир беморларни ҳаётга қайтарган, дуолар олган. Беморлар бу борада унга мурожаат қиладилар, ишонадилар ва ихлос қилишади. Қўли енгил, операция пайтидаги тиббиёт анжомларининг овози ҳам ёқимли куйни эслатади, деб таърифлашади. Муродилжоннинг ҳақиқий муваффақияти ҳам шунда. У ўзининг юксак даражадаги билими, тажрибаси, беморларга бўлган меҳри, хушмуомаласи билан эл эътирофига, хурмати ва ишончига сазовор бўлган. Одамлар назарида у яхши дўхтир, яхши инсон, яхши раҳбар, яхши ташкилотчи, оилада яхши ота. Муродилжон Арслонов Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси аъзоси, туман Кенгаши раисининг мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари. Партия аъзоларининг фаоллигини ошириш, сиёсий билимларини мустаҳкамлаш, халқимизга миллий кадрятларимизни чуқур сингидир борасида ҳам ибратли ишларни амалга ошириб боради. Унинг меҳнатлари муносиб тақдирланган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман ҳокимлиги, туман тиббиёт бирлашмасининг бир неча бор мактов ёрликлари, раҳматномалари билан мукофотланган. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 ва 30 йиллиги кўрак нишонлари билан тақдирланган. Фикримизча, бу инсоннинг элу юрт саломатлиги йўлидаги меҳнатлари юксак

давлат мукофотларига ҳам лойиқдир.

Юкорида унинг оиладаги ўрни ҳақида ҳам гапирдик. Чекка кишлоқда жойлашган кўрак, шаҳар кўринишидаги хонадон Арслоновларнинг турмуш тарзи, баланд дидлари ва орасталиқларидан далолат беради. Турмуш ўртоғи Санобархон ўқитувчилик касбида ҳалол меҳнат қилди. Болаларга рус тилидан сабоқ берди. Айни дамда нафақада, набираларнинг суюкли бувижониси. Ўғли Дониёржон ота изидан борган шифокор, клиникада УТТ врачлари. Қизи Хуршидахон она касбини эгаллаб, педагог бўлган. Ҳозирда тумандаги 59-умумий ўрта таълими директори лавозимида ишлаяпти. Кичик ўғли Давронбек эса олий маълумотли юрист, айни дамда Тошкент шаҳрида фаолият олиб бормоқда. Бу зиёли оилага ҳамма ҳавас қилади. Яхши ота-оналарнинг фарзандлари уларга мос зурриётларни тарбиялаб, ҳаётда ўз ўринларини топиб яшамоқдалар. Муродилжон Арслоновни кўрган одам унинг кўнглида ҳеч дарди йўқ деб ўйлайди. Доимо қулиб турувчи очик чехраси неча йиллардан бери ўзгармагандай. Ёшига келсак, у ҳамон 40-45 ёшли йигитдай кўринади. Доимо табассум ила одамларга ҳам хуш кайфият улашади. Аслида, умр деган қарвон уни ҳаётдаги 70-бекатга олиб келди. Бу бекатда алвон гуллар очилган, яшил боғлар барқ уриб турибди, мевалари шигил. Бу гўзаллик, бу нафосат нозик таъбли шифокорнинг самарали меҳнатлари, фидойилиги ҳосиласидир.

Мактаб ўқувчилари билан учрашиб, уларга бадий китоблар совға қилиб туриш Муродилжон Арслоновнинг доимий одатларидан. У 48 йиллик меҳнат фаолияти давомида 20 000 дан зиёд турли операцияларни бажариб, қанчадан-қанча оғир беморларни ҳаётга қайтарган, ва уларнинг дуоларини олган...

Истаймизки, бу серҳосил умр боғига кўз тегмасин, одамларга яхшилик қилиб яшаи шифокоримизнинг умрини яна узайтирсин.

Зухра АЛИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.
“Меҳнат шухрати” ордени соҳибаси.
“Қува ҳаёти” газетаси муҳаррири.

ТИББИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

ЕТУК КАДР — ЖАМИЯТ РАВНАҚИНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ



Бутун дунёда шу жумладан юртимизда ҳам олий таълимда талабалар тайёрлашда энг мураккаб ва нозик соҳа тиббиёт соҳаси ҳисобланади. Бир дон малакали тиббиёт ходимини тайёрлаш, минглаб беморларнинг ҳаётига соғлиқ келтириш демакдир.

Хар йили юртимиз тиббий олий таълим муассасаларини битираётган ёшлар шуни билишлари керакки, улар энди инсонлар дардига даво улаша оладиган мутахассислардир. Шундай экан, бунинг қанчалик ижобий ёки салбий бўлиши уларнинг билими ва малакасига боғлиқ. Одатда давлатлар университетларни яратади, университетлар эса жамиятларни яратади. Юртимизда қадимдан олий таълим муассасалари мавжуд бўлган. Булардан энг машҳури 14-асрда айнан Самарқандда Мирзо Улуғбек томонидан ташкил қилинган мадрасадир. Ўз вақтида Улуғбек мадрасаси “университет 4:0” даражасига етиб, таълим бериш, маҳсулот ишлаб чиқиш, ишлаб чиққан маҳсулотни жамиятга тақдим қилиш даражасига чиққан эди. Айнан мана шу омил “Иккинчи ренессанс” даврига сабабчи бўлган эди. Яъни айтишимиз мумкинки ренессансларни айнан олий таълим муассасалари шакллантиради. Яна бир мисол юртимиздан чиққан тиббиёт илмининг асосчиси Ибн Сино дунёда биринчи бўлиб, пулсация мактаби, офтальмология мактабини яратган. Ўша даврда ҳаттоки Лондон, Хитой ва Европа саройларидан махсус энг иқтидорли талабалар юборилиб илм ўрганиб кетишган. Ҳалигача тиббиётда қўлланиладиган ва илмий ишлар қилинадиган кўпгина асарлар ўзимизнинг Бухорода яратилган. Фақатгина ўша даврдаги сиёсий вазият туфайли Ибн Сино Эронга кўчишга мажбур бўлган. Ёки бўлмасам Маъмур академиясини олайлик Ал-Хоразмий яратган математикадаги илм мактаби бугунги фанга фундамент бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу фикрлардан келтириб шуни айт-

моқчиманки Президентимиз айтиб ўтган “учинчи ренессанс” ҳақидаги фикрга ҳам айна асос бор. Бир неча “ренессанс”га сабабчи бўлган қадимий илм бешиги бўлган юртимиз яна бир ренессансни қайта ташкил қила олади. Бунга фақат илм билан, университетлар билан эришишимиз мумкин. Президентимиз айтиб ўтганларидек: “Барчангиз яхши биласиз, биз бугун ўз олдимизга мақсадли вазифаларни марраларни қўйганмиз. Она Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга киришдик. Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданний даргоҳларни бўлгуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли, ушбу соҳаларда туб ислохотларни изчил амалга оширмоқдамиз.”

Изчил ислохотлар деганда қандай ишлар назарда тутилмоқда? Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида 35 та Олий таълим муассасасига молиявий ҳамда академик мустақиллик берилди. Бу эса ОТМ ларда илмий ишлар салмоғининг ошиши, таълим фаолиятини моддий ҳамда илмий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имконини берди. Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳам шу қатори молиявий мустақилликка эга. Ушбу имкониятлардан фойдаланиб, талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга шароит яратиб бериш мақсадида Самарқанд давлат тиббиёт университетида 2022 йилда “Қизил дафтар”га кирган ва ижтимоий ҳимояга 83 нафар талабаларга 357 683 300 сўм моддий ёрдам ажратилди ҳамда 80 нафар иқтидорли талабалар 4 725 381 500 сўм моддий рағбатлантирилди.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки Президентимиз қароригача бундай имкониятлар йўқ эди.

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ДУНЁ ТАЛАБАЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА

Дунё олимларининг сўнгги маълумотларига кўра келажакда 50-60 фоиз касблар йўқолиб, ўрнига янги касблар пайдо бўлиши мумкин. Бугунги ахборот технологиялари ривожланиб бораётган дунёда университетлар шакли ҳамда мазмуни ўзгариб бормоқда. Илгари олий таълим муассасаларида моддий ресурслар бирламчи бўлиб, педагоглар ва талабалар университетлар имкониятидан келиб чиқиб иш юритган бўлса ҳозирги замонавий университетлар замонга мослашиб бормоқда. Ҳозирга келиб битта профессор ёки академикнинг ўзи алоҳида университет ҳам бўлиши мумкин. Талабалар талабидан келиб чиқиб янги йўналишлар очилиши мумкин, педагоглар алмашини мумкин, фанлар танланиши мумкин. Бу эса меҳнат бозорининг талабига қараб шаклланади. Аммо, тиббиёт соҳаси энг қадимий ва табии соҳалардан бўлиб, тиббиёт соҳасида таълим беришда анъанавий таълим усулларида унчалик чекина олмаймиз. Чунки, бўлажак тиббиёт ходимлари бевосита инсонни даволаш билан шуғулланади. Шу туфайли, талабалардан қатъий тартибли ўқишни талаб қилишимиз анча фойдали бўлади. Ҳозирда қадим Самарқандда Президентимиз эътиборлари туфайли, қатта қурилиш ва янгиланишлар бормоқда, Самарқанд қайтадан дунё марказларидан бирига ҳам айланмоқда, туристлар ташрифи ормоқда. Самарқанд давлат тиббиёт

университети ҳам ушбу жараёндан ортада қолмай, халқаро талабаларни ўқитишда давом этмоқда. Шу мақсадда университетимизда хорижий талабалар билан ишлаш факультети ташкил қилиниб, 2000 га яқин Ҳиндистон, Покистон, Жанубий Корея ва МДХ давлатларидан талабалар ўқитилмоқда. Самарқанд давлат тиббиёт университети хорижий талабаларни ўқитишда юртимизда энг илғор ОТМлардан бири ҳисобланади ва йилига 1,5 миллион доллар инвестиция киритилади. Ушбу пуллар университет таълим жараёни учун лаборатория, янги бинолар, ўқув ускуналари сотиб олиш ва илмий ишларни рағбатлантиришга сарфланмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 1030-сонли қарори ижроси юзасидан илмий даражали ходимларимиз учун 2022 йилда 215 нафар илмий даражага эга бўлган ходимларга 5 фоиздан 60 фоизга қўшимча ҳақ тўлаб берилди. Мазкур қарор ижроси юзасидан жорий йилнинг маҳаллий рейтинг натижаларига кўра, Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий салоҳияти 56,1 фоизга етди. Шуни таъкидлаш керакки, илмга интилувчан ёшларимиз сони докторантура ва мустақил изланувчилар сони университетимизда ўтган йили 258 нафар ташкил этган бўлса, ҳозирда 388 нафарга етгани ёшларга берилаётган имкониятлар намунаси ҳисобланади. Бугунги кунда университет Бутун жаҳон таълим сифатини таъминлаш соҳасида ИСО 9001:2015 халқаро сертификатга эга. Охириги 2 йилда университетнинг таълим жараёнига 26 нафар хорижий профессор-ўқитувчилар жалб этилган. Хорижий олийгоҳларнинг 180 нафар талаба-

лари университетда академик алмашинув дастурларида қатнашган. 2022 йил университет халқаро ТХЕ рейтингига “Репортёр” мақоми билан ўрин эгаллаган.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ҲАМКОРЛИГИ

Тиббиёт олийгоҳларига кирувчилар ва битирувчиларига интеграллашган назарий ва клиник билимлар, кўникмаларни синдириш, юқори тиббий технологияларни ўзлаштиришда ёрдам бериш ва бўлажак шифокорда ижтимоий мослашув қобилиятини шакллантириш орқали кучли мотивацион муносабатлар, чуқур ихтисослашув, интеллектуал ва шахсий имкониятларни рўйбга чиқариш ва етук тиббиёт ходимини тайёрлаш мумкин бўлади. Самарқанд давлат тиббиёт университети қошида академик лицей университет тизимига ўтганидан сўнг лицей битирувчиларининг олийгоҳларга кириш кўрсаткичи жорий йилда 84 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 августдаги 5241-сонли қарори (2-илоvasи) бўйича ҳамкорлик доирасида Самарқанд давлат тиббиёт университети 1 та академик лицей, 2 та коллеж (Сўзангарон, Пайарик) ва 7 та Абу Али ибн Сино номидаги (Самарқанд, Сиёб, Ургут, Каттақўрғон, Иштихон, Хатирчи ва Пастдарғом) жамоат саломатлиги техникумлари бириктирилган ва бу академик лицей, коллеж, техникум университет билан биргаликда иш олиб боришмоқда.

Бугунги кунда ёшларга ҳукуратимиз томонидан яратиб берилаётган шунча шароитлар илгари ҳеч қачон бўлмаган десак муболага бўлмайди. Ҳозирги ёшларимиз бундан фойдаланиб, етук кадрларга айлана олади деган умиддамиз. Зеро, етук кадрлар ўзига, оиласига, жамиятга ва ниҳоят давлатимизга фойдали бўлади, ўздан кейин янги “ренессанс”ларни яратади.

Элдор ТАНГИРОВ.
Самарқанд давлат тиббиёт университети проректори.

ИБРАТ



Хар гал Тошкентдан Нарпайга борганимда қариндошларим ва дўстларим билан дилдан суҳбатлашгим келади. Яқинда дугонам Қандолатга қўнғироқ қилиб, уйимга таклиф қилганимда шифохонада даволанаянман деди, манзилини сўраб, дугонам ётган касалхона томон йўл олдим. Шифо масканида мени ҳамширалар хуш кайфиятда кутиб олишди.

ФИДОЙИ МЕҲНАТЛАРИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ

Дугонам билан сўрашиб ўтирганимизда эшик очилиб, қўлида патнис, формаси фартуги ўзига ярашган ошпаз Нодирахон ассалому алайкум, хуш келибсиз, опажон деди. Ош, нон, шўрва, кўк чой ва компотни столнинг устига қўйди-да, ёкимли иштаха, дея жилмайиб чиқиб кетди. Нега хусусий шифохонада даволанаянман, - дедим **Қандолатга**. Бу касалхонада беморлар учун барча шароитлар яратилган. Шифокорим Талъат Усмонов тажрибали мутахассис. Уларнинг фаолияти ҳақида ҳам ёзсанг.. Дугонамнинг гапларига ишонсам-да, менинг кизиқишим шифокорнинг хонасига етаклади. Врачнинг қабулига келган ёшу-қарияларнинг дардига кулоқ тутдим. Кекса отахон қариндошларидан бири даволаниб соғайиб кетганини эшитиб келганини айтди. Бир онахон эса бугун уйимга кетяпман. Талъатжон оғир дардни енгишимда бор билим ва меҳнатини аямай хизмат қилди. Оиласи ва беморлар бахтига доимо соғ бўлсин дея хурсанд бўлиб шифокорнинг қабулидан чиқди. Шифохонада даволанаётган беморлар билан ҳам суҳбатлашдим. Уларнинг барчаси Талъат Усмонов ҳақида илиқ гаплар айтишди. Навбатим келгач, шифокорнинг хонасига кириб мақсадимни айтганимда камтарлик қилди. Бу беморларнинг илтимоси дега-

нимдан сўнггина ноилжоз рози бўлди. Тажрибали шифокорга нега шифокорлик касбини танладингиз деб савол берганимда у қуйидагича жавоб қилди. Етти ёшда эдим, бир куни онамнинг қон босими ошиб кетганида тез тиббий ёрдам чакирдик. Хонадонимизга етиб келган тиббиёт ходимлари онажонимга тезлик билан тиббий ёрдам кўрсатишди. Шифохонадан даво муолажаларни олиб, оиламиз бағрига соғ-саломат қайтганларида, онажон катта бўлсам шифокор бўламан. Сизни ўзим даволайман. Ҳеч қачон касал бўлмайсиз, деганимда онам мени кучиб пешонамдан ўпиб, болажоним сен албатта, врач бўласан. Илоҳим ниятингга етгин, дея дуо қилганлари ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди. Ўшанда мурғак қалбимда шифокорлик касбига бўлган кизиқиш ва ишонч уйғонган эди...

– Аввало, шифокор бўлишингизда онангизни дуолари қолаверса, сизга устоз бўлган шифокорлар сулоласи деб аталмиш аммаларингиз Қўйсин, Гулсун, Раъно ва Замирахонларнинг хиссалари ҳам катта экан-да?

– Албатта, опажон! Амбаларимнинг икки нафари педиатр, бир нафари терапевт, бир нафари эса кардиолог врач лавозимида фаолият олиб боришмоқда. Улар менинг устозларим.

– Келгусидаги режаларингиз қандай?

– Шифохонамизда беморлар

учун имкон қадар янада кенг қулайликлар яратиш, кадрлар малакасини ошириш, тиббиёт мусассамизни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш.

– Оилангиз ҳақида гапириб берсангиз?

– Отам Имом Усмонов (Оллоҳ раҳмат қилсин) улар деҳқончилик билан шуғулланганлар. Онам Гулчеҳра ая уй бекаси бўлганлар. Отамиз ва онажонимиз 10 нафар фарзандни вояга етказиб, ҳаммамизни олий даргоҳларда ўқитганлар. Оиламизда 3 нафар опа-сингил химия ва филология фанлари номзоди. Икки нафаримиз шифокор, 3 нафаримиз инженер технолог, 2 нафар опа-сингил эса ўқитувчилик лавозимларида фаолият юритиб келмоқдамиз. Оилам билан фахрланаман. Турмуш ўртоғим Феруза уй бекаси, қизим Ситорабону А. Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети филология факультетининг 3 курс талабаси. Баҳора, Ҳасан ва Хусанлар мактабда таҳсил олишади.

– Суҳбатимиз давомида катта ҳамшира Адолат Қувондиқова ҳам ўзининг қуйидаги фикрларини билдириб ўтди:

– Шифохонамизда даво излаб келаятган ҳар бир инсонни илиқлик билан кутиб оламиз. Даво муолажаларини ўз вақтида ўтказиб сифатли тиббий хизмат кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Беморларимиз соғайиб уйларига қайтишайётганда чексиз мин-



натдорликларини изҳор этганларида жамоамиз ходимлари бундай эътирофлардан доимо мамнун бўладилар.

Таъкидлашим муҳимки, ўзининг кўп йиллик тажрибасига эга бўлган айни кунда Самарқанд вилояти Нарпай туманида жойлашган “Stand Med” диагностика даволаш маракази хусусий шифохонаси асаб касалликлари бўлими бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатаётган Талъат Усмоновнинг фаолияти тўғрисида қисқача тўхталдик...

Бу масканининг шинам ва озода хоналарига кирган инсонни кўзи қувнайди. Бемор кўнгли гулдан-да нозик. Аввало, меҳр, эътибор истайди. Ушбу шифо масканининг тажрибали шифокори Талъат Усмонов, катта ҳамшира Адолат Қувондиқова, ҳамширалар Ирода Ҳамраева, Манзура Юсупова, кичик тиббиёт ходимлар Ойгул Муҳиддинова, Мафтуна Абдуллаева, ошпаз Нодира Ёриева, иш бошқарувчи Йигитали Каримовлардан даволанувчилар мамнун.

Шифо масканидан чиқиб кетар эканман, дардига даво излаб келаятган инсонларга энг аввало, ширин сўзи билан малҳам бўлаётган, уларнинг қалбида соғайишига бўлган ишончни уйғота олган жамоа ходимлари меҳнати таҳсинга лойиқ эканлигини гувоҳи бўлдим.

Сафия НАЗАРОВА,
Самарқанд вилояти.

СЕМИНАР

БИЛИМ ВА ҚЎНИКМАЛАРНИ ОШИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ



Бухоро вилоят Вобкент туман тиббиёт бирлашмасида ўрта тиббиёт ходимлари ўртасида шифохона ичи инфекциялари профилактикаси бўйича амалий семинар ўтказилди.

Мазкур амалиёт жараёни юрак-қон томир жароҳатлар бўлимининг операция блокади амалга оширилди. Унда шифохона ичи инфекциялари профилактикаси бўйича тиббий чиқиндилар, мукамал ва жорий тозалаш, асбоб-анжомлар ҳамда тиббий жиҳозларни зарарсизлантириш бўйича юрак

қон томир ва қўшма жароҳатлар бўлимининг операция блокони ва режали хирургия бўлимининг муолажа хоналаридан тўғридан-тўғри ўқув амалий ва назарий жараён тиббиёт бирлашмаси мажлислар залида йиғилганларга намойиш этилди. Амалиёт жараёнини юрак қон томир ва қўшма жароҳатлар бўлимининг операцион блок ҳамширалари Ф. Рустамова, М. Акрамова ва реанимация бўлими катта ҳамшираси Ш. Бўроновалар семинар мавзусидан келиб чиққан ҳолда муолажадан кейинги тозалаш ва зарарсизлантириш ишлари тартиб коидаларини амалий бажариб кўрсатдилар. Семинарда тиббиёт бирлашма эпидемиологи А. Ҳакимов ва бош ҳамшира Н. Очиловалар иштирок этиб, жараёнларни кузатиб бордилар.

Семинарда туман тиббиёт бирлашмасининг 70 нафардан ортик хирургия йўналиши бўйича фаолият олиб бораётган мутахассис ҳамширалар ва муолажа ҳамширалари иштирок этдилар.

Нигора ОЧИЛОВА,
Бухоро вилоят, Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси.

ТАДБИРНИ ФАОЛЛИК БИЛАН ЎТКАЗАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 5 июлдаги фармойишига асосан 2023 йилнинг 10 июлидан 10 августигача мамлакатимизда “Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича долзарб 30 кунлик” тадбирларни амалга оширилиши белгиланган.

Тадбир доирасида Яшнобод тумани Фавқултда вазиятлар бўлими ходимлари томонидан ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнгин билан боғлиқ турли бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан ташкилот ҳамда идоралар, ижтимоий объектлар, савдо мажмуалари ва бозорларда, аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот тадбирлари олиб борилмоқда. Шунингдек, тадбир давомида аҳоли орасида ҳам тушунтириш ишлари ўтказилмоқда. Бундан ташқари фуқаролар орасида кўرғазмали чиқишлар, бозорларда машғулотлар ўтказиш, тарғибот материалларини тарқатиш каби фаолиятлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга оммавий ахборот воситалари орқали ҳам фуқароларга ёнгин хавфсизлиги бўйича чуқур маълумотлар етказиб келинмоқда.

Азиз юртдошлар, мазкур тадбирда барчамиз фаол иштирок этиб, ёнгин хавфсизлигини олдини олишда ўз хиссамизни қўшсак, кўнглисиз ҳолатларни олдини олишга эришамиз.

Васлиддин ПИРМАМАТОВ,
Тошкент шаҳар Яшнобод туман ФВБ инспектори.

ЭЪЛОН!

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги давлат тиббиёт ташкилотларининг онкология ва тиббий радиология, кардиология, хирургия, трансплантология, фтизиатрия ва пульмонология, акушерлик ва гинекология, травматология ва ортопедия, дерматовенерология ва косметология, психиатрия ва суд психиатрияси, тиббий психология, наркология, болалар онкологияси ва гематологияси йўналишлари мутахассисларини хорижий мамлакатларнинг етакчи тиббиёт ва илмий муассасаларига 1-3 ой муддатга малака ошириш ва қайта тайёрлашга юбориш мақсадида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танлов тегишлилиги бўйича Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида Ишчи комиссия томонидан суҳбат асосида 2023 йил 7 август куни ўтказилади.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- Ишчи комиссияси раиси номига таълимнинг шакли ва йўналиши кўрсатилган, белгиланган тартибдаги ариза (Ариза намунаси илова қилинади);
- белгиланган шаклдаги маълумотнома-объективка (анкета);
- давлат тиббиёт ташкилоти раҳбарининг номзодни хорижий тиббиёт ва илмий муассасаларда малака ошириши ёки қайта тайёрлаш зарурлиги кўрсатилган тавсияномаси;
- олий таълим муассасасини тугатганлигини тасдиқловчи диплом нусхаси;
- илмий даражаси ва илмий унвонини тасдиқловчи дипломларнинг нусхаси (агар мавжуд бўлса);
- меҳнат дафтарчаси нусхаси;
- паспорт нусхаси;
- чет тилдан билим даражасини белгиловчи амалдаги миллий ёки халқаро сертификат (Миллий квалификация сертификати, IELTS, TOEFL ва уларга тенглаштирилган), агар мавжуд бўлса.

Ушбу ҳужжатлар қуйидаги:

онкология ва тиббий радиология Docziyev1@gmail.com, zda@tipme.uz;
кардиология cardiocenter@ssv.uz;
хирургия, трансплантология cs.75@mail.ru;
фтизиатрия ва пульмонология resp.ftiz.ilmiy.m@ssv.uz;
акушерлик ва гинекология obs-gyn85@mail.ru;
травматология ва ортопедия Niito-tashkent@yandex.ru;
дерматовенерология ва косметология ilxom.raximov.1975@mail.ru;
психиатрия, суд психиатрияси, тиббий психология ва наркология uznarcomedcenter@gmail.com; zarifjonashurovnc@gmail.com;
болалар онкологияси ва гематологияси sharhab@mail.ru электрон манзилларига юборилади.

Маълумот учун телефон рақами: 71-239-48-36

ОБЪЯВЛЕНИЕ!

ОБЪЯВЛЯЕТСЯ КОНКУРС

для специалистов медицинских учреждений системы Министерства здравоохранения по направлениям онкология и медицинская радиология, кардиология, хирургия, трансплантология, фтизиатрия и пульмонология, акушерство и гинекология, травматология и ортопедия, дерматовенерология и косметология, психиатрия, судебная психиатрия, медицинская психология, наркология, детская онкология и гематология для повышения квалификации и переподготовки в ведущих медицинских и научных учреждениях зарубежных стран сроком обучения 1-3 месяца.

Конкурс состоится в соответствующих республиканских специализированных научно-практических медицинских центрах на основе собеседования Рабочей комиссией 7 августа 2023 года.

Для участия в конкурсе необходимы следующие документы:

- заявление в установленном порядке на имя Председателя Рабочей комиссии с указанием формы и направления обучения (прилагается образец заявления);
- справка-объективка (анкета), в установленной форме;
- рекомендация руководителя государственной медицинской организации о необходимости переподготовки и повышения квалификации кандидата в зарубежных медицинских и научных учреждениях;
- копия диплома об окончании высшего образовательного учреждения;
- копии дипломов, подтверждающих ученую степень и ученое звание (при наличии);
- копия трудовой книжки;
- копия паспорта;
- действующий национальный или международный сертификат, определяющий уровень знания иностранного языка (Национальный квалификационный сертификат, IELTS, TOEFL и др.), если таковой имеется.

Данные документы направить по электронной почте, по направлениям:

онкология и медицинская радиология Docziyev1@gmail.com, zda@tipme.uz;
кардиология cardiocenter@ssv.uz;
трансплантология cs.75@mail.ru
фтизиатрия и пульмонология resp.ftiz.ilmiy.m@ssv.uz;
акушерство и гинекология obs-gyn85@mail.ru;
травматология и ортопедия Niito-tashkent@yandex.ru;
дерматовенерология и косметология ilxom.raximov.1975@mail.ru;
психиатрия, судебная психиатрия, медицинская психология и наркология uznarcomedcenter@gmail.com; zarifjonashurovnc@gmail.com;
детская онкология и гематология sharhab@mail.ru

Справочный телефон: 71-239-48-36

НАМУНА

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
А. Ш. Иноятовга
Республика ихтисослаштирилган
онкология ва радиология илмий-
амалий тиббиёт марказининг
ходими _____ дан
(ходимнинг Ф.И.Ш.)

АРИЗА

Менга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги давлат тиббиёт ташкилотларининг онкология йўналиши мутахассисларини хорижий мамлакатларнинг етакчи тиббиёт ва илмий муассасаларга малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича эълон қилинган танловда қатнашишга рухсат беришингизни сўрайман.

Сана ходимнинг имзоси

ОБРАЗЕЦ

Министру здравоохранения
Республики Узбекистан
А. Ш. Иноятову
от сотрудника Республиканского
специализированного
научно-практического медицинского
центра онкологии и радиологии

(Ф.И.О. сотрудника)

ЗАЯВЛЕНИЕ

Прошу Вас разрешить мне участвовать в конкурсе для специалистов по направлению онкологии для повышения квалификации и переподготовки в ведущих медицинских и научных учреждениях зарубежных стран.

Дата подпись сотрудника

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини
қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига
жалб қилиш жамғармаси фаолиятини
амалга ошириш бўйича Ишчи комиссиясининг
2022 йил 27 июндаги 3-сон баёнига
1-илова

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш мақсадида хорижда малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлаш, хориждан малакали мутахассисларни таклиф этиш, иқтидорли мутахассисларни рағбатлантириш бўйича номзодларни саралаш ТАРТИБИ

Умумий қоидалар

1. Ушбу тартиб соғлиқни сақлаш тизимидаги давлат тиббиёт ташкилотларининг (кейинги ўринларда—Буюртмачилар), тиббиёт ва фармацевтика мутахассисларини (кейинги ўринларда—мутахассислар) хорижда малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлаш таълим дастурлари (кейинги ўринларда—таълим дастурлари) бўйича номзодларни очик саралаш танловини ташкил этиш, Жамғарма маблағларидан фойдаланиш учун номзодлардан ҳужжатларни қабул қилиш, давлат тиббиёт муассасаларида фаолият юритувчи иқтидорли ва малакали мутахассисларни рағбатлантириш, хориждан малакали мутахассисларни таклиф этиш, хорижда малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлаш якуни бўйича ҳисобот тақдим этиш, уларнинг билим ва кўникмаларини амалиётга жорий қилиш тартибини белгилайди. Мутахассисларни хорижда малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлаш таълим дастурлари бўйича юбориш хизмат сафарига тенглаштирилади.

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш учун номзодлардан ҳужжатларни қабул қилиш

- Хорижда малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлашга жалб қилиш ва юбориш учун очик саралаш танлови аризалар келиб тушиши ва йиғилишига қараб, календар йил давомида даврий равишда, аммо бир йилда камида икки маротаба ўтказилади.
- Хорижда малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлашга юбориш очик саралаш танлови асосида амалга оширилади.
- Жамғарма маблағларидан оқилонга фойдаланиш мақсадида хорижда малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлаш, хориждан малакали мутахассисларни таклиф этиш, иқтидорли мутахассисларни рағбатлантириш бўйича номзодларни саралаш схемаси 1-иловага мувофиқ амалга оширилади.
- Танловда таълим дастури ва ҳужжатларни тақдим этиш муддати тугатгандан сўнг тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилмайди. Бироқ рўйхат тасдиқлангандан сўнг танлов ғолиби айрим сабабларга кўра хорижда малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлашда иштирок этишни рад этса, унинг ўрнига шу мутахассислик бўйича тасдиқланган харажат маблағлар ҳисобига танловда ундан кейинги юқори балл тўплаган мутахассис киритилади.
- Номзодлар қуйидаги ҳужжатлар йиғиндисини электрон шаклда вазирликнинг электрон почта махсус манзилига юборадилар:
паспорт нусхаси;
олий ва ўрта махсус таълим муассасасини тугатганлигини тасдиқловчи дипломнинг нусхаси, гувоҳнома нусхаси (клиник ординатура) ва/ёки илмий даражаси (фан номзоди, PhD ва фан доктори, DcS), илмий унвонини (катта илмий ходим, доцент, профессор) тасдиқловчи диплом(лар)нинг нусхаси, агар мавжуд бўлса;
хорижий тиллардан билим даражасини белгиловчи амалдаги миллий ёки халқаро сер-

тификат (Миллий квалификация сертификати, IELTS, TOEFL ва уларга тенглаштирилган, муддати ўтган ҳужжатлар бундан мустасно), агар мавжуд бўлса;
охирги 3 йилда хорижда ва республика таълим муассасаларида малакасини оширганлиги тўғрисида сертификат;
малака тоифасига эга бўлганлиги тўғрисида сертификат;
меҳнат дафтарчаси нусхаси;
семинар, конференцияларда маъруза билан ёки маърузасиз иштирок этганлиги тўғрисида сертификат.

7. Номзодлар Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига шахсан жавобгар ҳисобланади.

Хорижда малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлаш бўйича номзодларни саралаш тартиби

8. Вазирликка номзодлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар 2-иловадаги мезонларга мувофиқ ўрганилади ва ўрганиш натижаларига асосан якуний ҳулоса тайёрланади.

9. Ишчи комиссия томонидан номзоднинг интеллектуал салоҳияти, маънавий фазилатлари ҳамда касбий маҳоратини баҳолаш мақсадида номзодлар билан суҳбат ўтказилиши мумкин.

10. Суҳбатда Ишчи комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

11. Танлов натижаларига асосан номзод тўплаган баллари бўйича “ўтди” ёки “ўтмади” деб якуний ҳулоса қилинади.

12. Танлов натижаларига асосан 56 ва ундан юқори балл тўплаган номзодлар Ишчи комиссия қарори билан танлов ғолиби деб топилади.

13. Номзодларнинг ўртача баллари тенг бўлган тақдирда Ишчи комиссияси раисининг ҳулосасига асосланиб якуний қарор қабул қилинади.

14. Танловнинг натижалари Вазирликнинг веб-сайтида жойлаштирилади.

15. Танлов ғолиблари бўйича Мутахассисларни хорижий тиббий таълим, илмий ташкилотларга (марказлар, университетлар ва бошқалар) малака ошириш (стажировка) ва қайта тайёрлашга юбориш режаси ушбу Тартибнинг 3-иловасига мувофиқ Ишчи комиссия йиғилишининг қарори билан тасдиқланади.

Республикага малакали мутахассисларни хорижий тиббиёт ҳамда илмий муассасалардан таклиф этиш

16. Хорижий малакали мутахассисни таклиф этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда мазкур мутахассис йўналишининг долзарблиги, унинг илмий мақоми ва малакаси, тиббиёт муассасаларини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича қўйилган вазифаларга мослиги 4-иловадаги мезонларга мувофиқ ҳисобга олинади.

17. Юқоридаги талаблар асосида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий органлари, давлат тиббиёт ташкилотлари, шунингдек, хорижий тиббиёт ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш тажрибасига эга бўлган тиббиёт ходимларининг таклифини инобатга олган ҳолда рўйхат шакллантирилади. Тавсия этилган хорижий тиббиёт мутахассисини таклиф этиш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги юзасидан Ишчи комиссия қарор қабул қилади.

Иқтидорли ва малакали мутахассисларни рағбатлантириш бўйича саралаш тартиби

18. Давлат тиббиёт ташкилотларида фаолият юритувчи номзодлар муассаса раҳбариятига йилнинг ҳар чорагига аризалар тақдим этади.

19. Муассаса раҳбарияти тақдим этилган аризаларни беш кунлик муддатда кўриб чиқади, бунда:

тиббиёт муассасасида фаолият юритаётган алоҳида қобилият ва иқтидор эгаси, жамоат ишларида фаол бўлган ходим, шунингдек, давлат гранти ва/ёки тўлов-контракт асосида таълим олаётган, «аъло» ўзлаштириш кўрсаткичига эга бўлган (рейтинг кўрсаткичи - 86 балл ва ундан юқори) ва барча малакавий имтиҳонларни «аъло» баҳога топширган, халқаро, республика ва олий таълим миқёсидаги фан олимпиадалари ва спорт мусобақалари ғолиблари ҳисобланган магистр ва клиник ординаторлар;

халқаро маълумотлар базасидаги етакчи илмий журналларда (камида иккита) илмий мақолалар чоп этилган бўлиши;

халқаро конференциялар нашрларида мақолалари эълон қилинган бўлиши;

тиллари-давлат тилини ва битта хорижий (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тиллари-дан ташқари) тилни билиши таҳлил қилинади.

Вазирликка тавсия этиладиган номзодларни тасдиқлаш учун раҳбар 5-иловада белгиланган мезонларга мос равишда номзоднинг ҳужжатларини ўрганади.

Ҳужжатларни ўрганиш якуни билан номзодлар бўйича тақдимнома Ишчи комиссия йиғилишидан бир ҳафта олдин электрон шаклда вазирликнинг электрон почта манзили орқали кадрлар бошқармасига акритилади.

20. Ишчи комиссия тақдим этилган ҳужжатларни камида 2-3 кунлик муддатда ўрганади ва ўрганиш натижаларига асосан номзод тўплаган баллари бўйича “ўтди” ёки “ўтмади” деб якуний ҳулоса ниқилади.

21. Ишчи комиссия томонидан номзодларнинг интеллектуал салоҳияти, маънавий фазилатлари ҳамда касбий маҳоратини баҳолаш мақсадида номзодлар билан суҳбат ўтказилиши мумкин.

22. Танлов натижаларига асосан 60 ва ундан юқори балл тўплаган номзодлар Ишчи комиссия қарори билан рағбатлантирилади.

23. Соғлиқни сақлаш тизимидаги бошқарув ва Давлат тиббиёт муассасаларидаги мутахассисларга Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 05-1288-сон қарори билан тасдиқланган “Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори” га (ХАЛИКК-2020) мувофиқ аниқлик киритилади.

24. Иқтидорли ва малакали мутахассисларга устамалар, бир марталик ҳамда муддатли мукофот пуллари ва бошқа қўшимча тўловлар миқдори Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси фаолиятини амалга ошириш бўйича Ишчи комиссияси қарорига асосан белгиланади.

25. Иқтидорли ва малакали мутахассисларга бериладиган иш ҳақи, устамалар, бир марталик ҳамда муддатли мукофот пуллари ва бошқа қўшимча тўловлар амалдаги солиқ қонунчилиги бўйича ҳисобланади.

26. Иқтидорли ва малакали мутахассисларга иш ҳақи, устамалар, бир марталик ҳамда муддатли мукофот пуллари ва бошқа қўшимча тўловлар бўйича ягона ижтимоий тўловлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади.

27. Иқтидорли ва малакали мутахассисларга, устамалар, бир марталик ҳамда муддатли мукофот пуллари ва бошқа қўшимча тўловларни молиялаштириш механизми Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб – қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси фаолиятини амалга ошириш бўйича Ишчи комиссияси қарорига асосан белгиланади.

Хорижда юборилган мутахассисларнинг малака ошириш (стажировка) ва қайта тайёрлаш якуни бўйича ҳисобот тақдим этиш

28. Малака ошириш (стажировка) ва қайта тайёрлаш якуни бўйича мутахассис 6-иловага мувофиқ тасдиқланган ҳисобот шаклини муассаса раҳбари билан келишган ҳолда тасдиқлаб Ишчи комиссияга тақдим этади.

29. Ҳисоботлар буюртмачиларнинг коллегиял органида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритилади.

30. Тасдиқланган ҳисоботлар ва коллегиял орган қарори нусхаси буюртмачилар расмий йўлланма хатига илова қилинган ҳолда, қарор чиққан кундан бошлаб 10 иш кунида қоғоз ва электрон шаклда Ишчи комиссияга тақдим этилади.

31. Ҳисобот ва маълумотлар ҳаққонийлиги юзасидан буюртмачи ташкилот раҳбари масъул ҳисобланади.

Жамғарма ҳисобидан хорижда малака ошириш (стажировка) ва қайта тайёрлашга

юборилган мутахассисларнинг билим ва кўникмаларини амалиётга жорий қилиш

32. Жамғарма ҳисобидан малака ошириш (стажировка) ва қайта тайёрлаш ўтаб келган ғолиб номзодларнинг (кейинги ўринларда – танлов ғолиби) шартномаларни (контрактларни) белгиланган тартибда расмийлаштириши ва келгусида рўйхатга олиниши ҳамда ижро этиш учун кўрсатилган талаблар ва муддатларга мувофиқ Жамғармага тақдим этилиши лозим.

Таълим дастури тугалланганидан сўнг, танлов ғолиблари шартнома (контракт) талабларига қатъий амал қилган ҳолда диплом, сертификат ёки бошқа ҳужжат нусхасини, шунингдек, таълим дастури бўйича фойдаланган адабиётлар ва тарқатма материалларнинг электрон шаклини тиббиёт ходимлари фойдаланиши учун Вазирликнинг электрон кутубхонасига жойлаштириши учун Ишчи комиссияга тақдим этади.

33. Танлов ғолибига мутахассислиги бўйича қуйидаги муддатда тўлиқ бандлик асосида узлуксиз ишлаб бериш мажбурияти юкланади:

а) малака ошириш таълим дастури бўйича – 3 (уч) йилдан кам бўлмаган муддатга;

б) қайта тайёрлаш таълим дастури бўйича – 5 (беш) йилдан кам бўлмаган муддатга.

34. Республика чекка ҳудудий давлат ташкилотлари ёки муассасаларининг потенциални яхшилаш учун етакчи хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда малака ошириш (стажировка) ва қайта тайёрлаш таълим дастурлари бўйича касбий малакасини ривожлантириб келган мутахассислар билан таъминлаш мақсадида Ишчи комиссия мажбурий ишлаб бериш мумкин бўлган ташкилотларни танлаган танлов ғолибининг ишлаб бериш муддатини қайта тайёрлаш таълим дастури бўйича 2 йилгача, малака ошириш таълим дастури бўйича 1 йилгача қисқартириш қарорини қабул қилиш ҳуқуқига эга. Бунда олис ва чекка ҳудудларда жойлашган тиббиёт муассасаларида ишлаганлиги учун қонунчиликда белгиланган имтиёзлар алоҳида қўлланилади.

35. Танлов ғолиблари малака ошириш (стажировка) ва қайта тайёрлаш ўтаб келган амалий, илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича, ўз мутахассислиги ва қўлга киритган замонавий билим ва кўникмалари бўйича мавзули малака ошириш курсларини ва маҳорат дарсларини таъминлаш этилади.

36. Танлов ғолиби ўзлаштирган замонавий юқори технологияли диагностика ва даволаш усулларини ўз ташкилотида татбиқ этади. Бунда ташкилот раҳбари уларга шарт-шароитларни яратиб беради.

37. Танлов ғолиби хорижий илмий-амалий анжуманларда маъруза билан иштирок этиши ва халқаро маълумотлар базасидаги етакчи илмий журналларда мақола чоп этиши, шу билан бирга, камида бир йил давомида Вазирлик томонидан ташкил этиладиган бошқа тадбирларда малака ошириш (стажировка) ва қайта тайёрлаш даврида тўплаган тажриба, олган билим ва кўникмалари борасида ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этади.

38. Танлов ғолиби узрсиз сабабларга кўра хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассасаларнинг таҳсил олувчиси сафидан четлаштирилган ёки Жамғарма таълим дастурлари тугалдан сўнг у билан тузилган шартнома шартларига мувофиқ вазирликнинг давлат тиббиёт ташкилотлари ёхуд давлат улуши мавжуд бўлган ташкилотларда меҳнат фаолиятини давом эттиришдан бош тортган тақдирда, Жамғарма томонидан уни ўқитишга сарфланган барча молиявий харажатлар танлов ғолиби ва унинг молиявий кафиллари (юримдик ва жисмоний шахслар) томонидан бирдамликда қоплаб берилади.

Апелляция

39. Ушбу Тартибга риоя қилинган ҳолда танловнинг ўтказилиши, шунингдек, танлов билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар бўйича шикоятларни кўриб чиқиш учун Ишчи комиссия қарори асосида апелляция комиссияси тузилади.

40. Апелляция комиссиясига номзоднинг шикоят аризаси танлов натижалари эълон қилинганидан сўнг ўн кун ичида топширилади.

41. Шикоят аризаси берилганидан сўнг Апелляция комиссияси аризани беш иш куни ичида кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Яқунловчи қондалар

42. Жамғарманинг Ишчи комиссияси буюртмачилардан малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлашга юбориш ва якуний ҳисоботлар юзасидан киритилган ҳужжатлар бўйича қўшимча маълумотларни сўраб олишга ҳақлидир.

43. Мазкур тартибда кўзда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.

44. Мазкур тартиб талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш мақсадида хорижда малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлаш, хориждан малакали мутахассисларни таклиф этиш, иқтидорли мутахассисларни рағбатлантириш бўйича номзодларни саралаш Тартибига 1-илова

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш мақсадида хорижда малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлаш, хориждан малакали мутахассисларни таклиф этиш, иқтидорли мутахассисларни рағбатлантириш бўйича номзодларни саралаш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий органлари, давлат тиббиёт ташкилотлари, шунингдек, хорижий тиббиёт ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш тажрибасига эга бўлган тиббиёт ходимларининг таклифини инобатга олган ҳолда рўйхат шакллантирилади ва Ишчи комиссияга кўриб чиқиш учун тақдим этилади.	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий органлари, давлат тиббиёт ташкилотлари, шунингдек, хорижий тиббиёт ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш тажрибасига эга бўлган тиббиёт ходимларининг таклифини инобатга олган ҳолда рўйхат шакллантирилади ва Ишчи комиссияга кўриб чиқиш учун тақдим этилади.	Ҳар йилнинг 1 октябрь
2-босқич	Ишчи комиссия	Хорижий етакчи тиббиёт ва илмий муассасалар рўйхатини кўриб чиқиб тасдиқлайди.	Ҳар йилнинг 1 ноябрь
3-босқич	Ишчи комиссия	Хорижда малака ошириш (стажировка), қайта тайёрлаш бўйича ходимларни саралаш ҳақидаги эълон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг веб-сайтида жойлаштирилади.	Ҳар йилнинг 10 ноябрь
4-босқич	Ишчи комиссия	Танловда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган ходимнинг асосий иш жойи давлат тиббиёт муассасаси ҳисобланган номзодлар ушбу тартиб асосида ҳужжатларини топширади.	Ҳар йилнинг 15 январь

